



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 20 сентябрь, № 194 (7152)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСINI ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Миссисипи штати Миллий гвардияси кўмондони генерал Женсон Бойлз ва АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси Трент Келлини қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, жорий йил май ойида АҚШга расмий ташриф давомида бўлиб ўтган олий даражадаги самарали учрашув ва музокаралар мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликда янги даврни бошлаб бергани ва уни аниқ мазмун билан бойитганини алоҳида таъкидлади.

Бугун кўп қиррали Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари изчил ривожланаётгани ва мустақамланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Савдо-иқтисодий, инновация, инвестиция,

фан ва техника, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда қўшма дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Миллий гвардияси ва тегишли идораларининг Миссисипи штати Миллий гвардияси билан, жумладан, жамоат тартибини таъминлаш ва фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилиш соҳасида тажриба алмашиш, тренинг ва тадбирлар ўтказиш борасида амалий ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Парламентлараро алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, Миссисипи штатининг етак-

чи корхоналари ва компаниялари билан савдо ва инновациялар, қишлоқ ҳўжалиги, таълим соҳаларида шериклиكنи мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Генерал Ж. Бойлз ва конгрессмен Т. Келли давлатимиз раҳбарига самимий қабул ва икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга доир аниқ ташаббуслари учун миннатдорлик билдирди.

Меҳмонлар мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги босқичда амалга оширилаётган, барча соҳа ва йўналишларни қамраб олган ислохот ва ўзгаришларни юксак баҳоладилар.

Самарали парламентлараро ва идоралараро мулоқотларни давом эттириш, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суриш ишларини фаоллаштиришга тайёрлик билдирди.

АҚШ делегацияси аъзолари Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги кенг қўламли амалий шериклиكنи янада мустаҳкамлаш учун барча саъй-ҳаракатларини ишга солишини таъкидлади.

Ў.А.

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТЕРРОРИСТИК, ЭКСТРЕМИСТИК ЁКИ БОШҚА ТАҚИҚЛАНГАН ТАШКИЛОТ ВА ГУРУХЛАР ТАРКИБИГА АДАШИБ КИРИБ ҚОЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ ТАРТИБНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда диний бағрикенглик ва виждон эркинлигини таъминлашга, шунингдек, ёшларни террористик, экстремистик ва бошқа бузғунчи ғоялар таъсиридан самарали ҳимоя қилишга қаратилган жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бунинг натижасида биргина 2017 йилда 18 мингдан зиёд содир этган қилмишига пушаймон бўлган ҳамда тинч турмуш тарзида қайтган фуқаролар террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар фаолиятида иштирок этишга мойил бўлган шахслар рўйхатидан чиқарилди. Уларнинг 10 мингдан зиёдида иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, ўз қилмишининг ҳуқуққа хилофлигини англаб етган ва тузалиш йўлига ўтган фуқароларга Ватанига, оиласи бағрига, тинч ҳаётга қайтиш имконини бериш мақсадида, шунингдек, инсонпарварлик принципларига асосланган ҳолда:

1. **Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб**

кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муносабатларини кўриб чиқиш бўйича Республика идоралараро комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) иловига мувофиқ таркибда тузилсин.

2. **2018 йил 1 ноябрдан** шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра: террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар (кейинги ўринларда — тақиқланган ташкилот) таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Комиссия ҳулосасига асосан жиноий жавобгарликдан озод этилади;

Комиссия томонидан салбий ҳулоса чиқарилган тақдирда барча ҳолатлар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда кўриб чиқилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қуйидаги ҳолларда, ушбу Фармонга мувофиқ, **жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин:**

айбини бўйича олиш тўғрисида шахсан арз қилиб келса, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлса ва тузалиш йўлига ўтган бўлса;

жиноий фаолият ва бошқа ҳуқуққа хилоф қилмишларни фош этишда фаол ёрдам берган бўлса;

тақиқланган ташкилотлар сафига алдов йўли билан жалб этилган бўлса;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни изчил амалга ошириш орқали нақд пулларнинг банкдан ташқарида муомалада бўлишини қисқартиришга эришилди, тўловларни амалга ошириш жараёни сезиларли даражада осонлаштирилди, масофавий банк хизматларини кўрсатиш тизимларининг функционали кенгайтирилди.

Олиб борилган ишлар натижасида аҳолининг банк карталари ва бошқа нақд пулсиз ҳисоб-китоб усулларига ҳавфсиз ва қулай тўлов воситаси сифатида бўлган ишончи ошди. Шу билан бирга, эришилган ютуқларга қарамай, тўлов тизимларини ривожлантириш, уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун замонавий технологик ечимларни жорий қилиш борасида қатор камчиликлар мавжуд.

Хусусан, чакана тўловларни қайта ишлаш бўйича давлат процессинг марказининг мавжуд эмаслиги миллий тўлов тизимининг ҳавфсизлиги даражасини камайтирмоқда, тўлов инфратузилмасининг ягона интеграллашувига эришиш имконини бермапти ҳамда бир монополь тизимнинг мутлақ устун бўлишига олиб келмоқда.

Бундан ташқари, тўлов тизимлари

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган йилларда мамлакатимизда аудитнинг норматив-ҳуқуқий ва услубий базаси шакллантирилди, шунингдек, аудиторлик фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган ва мuddатсиз тизими жорий этилди, бу аудиторлик хизматлари бозорининг шаклланишига ва маҳаллий аудиторлик ташкилотлари аудиторлик компанияларининг йирик халқаро тармоқларига киришини таъминлашга имкон яратди.

Шу билан бирга, қатор муаммолар ва камчиликлар аудиторлик фаолиятининг янада ривожланишига, бошқарилган оид қарорларни қабул қилиш ва корпоратив бошқарув сифатини ошириш учун аудиторлик хизматларининг аҳамиятини оширишга тўққинлик қилмоқда, хусусан:

биринчидан, аудиторлик ташкилотларига ишонч даражаси паст, шунингдек, аудиторлик текширувига молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигини тасдиқлашнинг кафолати эмас, балки ортиқча ва малол келадиган маъмурий тартиб-таомил сифатида қаралмоқда;

иккинчидан, аудиторлик ташкилотларини танлаб олиш бўйича мавжуд чекловлар ва танловлар ўтказиш

амалиёти кўп ҳолларда инсофсиз, шу жумладан, нарх борасида инсофсиз рақобатни келтириб чиқаради, бунинг оқибатида аудиторлик хизматлари сифати ва аудиторлик ҳулосаларининг ҳаққонийлиги пасаймоқда;

учинчидан, аудиторларни махсус тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг амалдаги тизими юзаки тусга эга бўлиб, профессионал тайёргарликнинг ва аудиторлик хизматлари сифатининг зарурий даражасини, шу жумладан, аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларига мослигини таъминламайпти, бу эса аудитор касби нуфузининг пасайишига олиб келмоқда;

тўртинчидан, аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назорат қилишнинг самарали тизими мавжуд эмас, бу лицензияловчи органнинг ҳуқуқий таъсир чоралари чеклангани шариоатида сифатсиз аудиторлик хизматларини кўрсатиш ҳолларига ва аудиторларнинг инсофсиз хатти-ҳаракатларига нисбатан тезкор чора кўриш имконини бермапти;

(Давоми 2-бетда).



АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИШЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь куни ахборот технологиялари ва коммуни-кациялари тизимидagi иш-ларни таҳлил қилиш, соҳа-ни жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тад-бирларни белгилашга ба-ғишланган йиғилиш ўтказди.

— Ахборот технологияла-ри ва коммуникациялари ри-вожи барча соҳалар тарақ-қиётини таъминлайди, одам-ларга қулайлик яратади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йил бошида ушбу муҳим со-ҳани ривожлантириш бўйи-ча белгилаб берилган кўплаб вазифалар ижроси тўлиқ таъминланмади. Тар-моққа инвестиция жалб этиш, хизматлар ва тайёр дастурий маҳсулотларни экспорт қилиш аҳоли биз-ни умуман қониқтирмайди.

Шунинг учун вазирлик раҳбариятини ўзгаришга мажбур бўлди. Янги вазир ва унинг ўринбосарлари бундан тегишли ҳулоса қилиб, ўз ишларини мутлақо янги чара тарзда ташкил этиш-лари лозим. Мавжуд муам-моларни тезроқ бартараф этиш ва тармоқни тубдан ривожлантириш, жалб эти-лаётган инвестициялар ва экспорт ҳажмини кескин кўпайтириш, энг муҳими, қисқа даврда тизимда сези-ларли ижобий ўзгаришлар-ни таъминлаш керак, деди Президентимиз.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуни-кациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва Президент ҳузуридаги йиғилишларда берилган топшириқлар иж-росини таъминлаш қандай бораётгани таҳлил қилинди. Соҳани жадал ривожланти-риш бўйича муҳим вазифа-лар белгилаб берилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳа-сига хорижий инвестиция-ларни жалб этиш, тўғридан-тўғри сармоялар иштироки-даги лойиҳалар улушини ошириш зарурлиги таъкид-ланди. Жорий йилда ками-

да 200 миллион доллар, 2019 йилда эса инвестиция-лар, айниқса, тўғридан-тўғри сармоялар ҳажмини 500 миллион долларга етказиш вазифаси қўйилди.

“Ўзбектелеком” компания-сининг нуфузини ошириш, “Ўзмоби́л” миллий мобиль алоқа операторини ривож-лантириш бўйича топшириқ-лар берилди.

Соҳада хизматларни экс-порт қилиш етарли эмасли-ги, бу кўрсаткични кескин ошириш, энг аввало, дасту-рий таъминот яратиш ва экспортни кўпайтириш ке-раклиги таъкидланди.

Телефон ва интернет фойдаланувчилари га қўрсатиллаётган хизматлар сифати пастлиги, мавжуд алоқа тармоқларининг ати-ги 27 фоизи оптик толали, қолгани мис симли линия-лардан иборат экани тан-қид қилинди. Интернет тар-моғига улаиш тезлигини ошириш, алоқа тармоқлари-ни тўлиқ оптик толага алмаштириш бўйича кўрсат-малар берилди.

“Электрон ҳукумат” тизи-мини янада ривожлантириш, интерактив давлат хизмат-лари кўрсатишини кескин ях-шилаш бўйича вазифалар белгилаб берилди. Почта алоқаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш зарури-лиги таъкидланди.

Ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлаш масаласига эътибор қаратилди.

Соҳада кадрлар танқис-лиги сезилаётгани, Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг фи-лиалларида илмий салоҳи-ятга эга педагоглар, бор-йўғи, 21 фоизи ташкил эти-ш қайд қилинди. Шу боис университетда ўқитувчилар-нинг илмий салоҳиятини ошириш ва илмий тадқиқот ишлари қўламини кенгайти-риш зарурлиги таъкидланди.

Хорижий тажрибани чуқур ўрганган ҳолда, мамлаката-мизда ахборот-коммуника-ция инфратузилмасини ри-вожлантиришга қаратилган 5 йиллик миллий дастурини ишлаб чиқиш вазифаси топ-ширилди.

Хамкорлик

ШХТ:

Темир йўллар раҳбарлари Тошкентда учрашди

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар темир йўллари маъмурияти раҳбарларининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Пойтахтимиз мезбонлик қилган мазкур йирик халқа-ро анжуманда Ҳиндистон Республикаси Темир йўллар вазирлигининг Темир йўллар

кенгаши аъзоси Гириш Пиллай, “Қозғистон темир йўллари” Миллий компанияси” бошқаруви раиси Канат Алписбаев, “Қирғи-зистон темир йўллари” Миллий компанияси” давлат корхонаси бош директори ўринбосари Руслан Бектемиров, Хитой Халқ Республикаси темир йўлла-ри давлат бошқаруви бош-лигининг ўринбосари Лю Кэцян, Покистон темир йўллари раиси Мухаммад Жавад Анвар, Россия Феде-рацияси темир йўллари очик акциядорлик жамияти бош директори — бошқаруви раиси Олег Белозёров,

“Тожикистон темир йўлла-ри” давлат унитар корхо-наси бошлиғи Комил Мирзоали иштирок этди.

Ташкилотга аъзо мамла-катлар транспорт тизимини ривожлантириш, ушбу йўна-лишдаги ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлиكنи янада мустаҳкамлашга хиз-мат қиладиган мазкур маж-лисида, шунингдек, ШХТда кузатувчи давлатлар — Афғонистон Ислом Респуб-ликаси, Беларусь Республи-каси ва Мўғулистон Респуб-ликаси темир йўл ташкилот-лари раҳбар ҳамда мутасад-дилари, ШХТнинг мулоқот бўйича ҳамкори — Озарбай-жон Республикаси темир йўллари раиси ва ШХТ Бош қотиби ўринбосари Се Сююн қатнашди.



Барқарорлик белгиси!

Мамлакатимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини юксалтириш мақсадидаги фаолиятингизда кўмакдош ва ўзаро манфаатли ҳамкор бўлиш мақсадида

«Туронбанк» АТБ куйидаги хорижий банкларнинг кредит линиялари орқали «Бизнесингизни молиялаштириш ва ривожлантириш учун кредитлар»ни тақлиф этади:

- ◆ «Экспорт-импорт банк» (Хитой)
- ◆ «Азия-инвест банк» АТБ (Россия Федерацияси)
- ◆ Халқаро Ислон савдо-молия корпорацияси (ITFC)
- ◆ Осиё тараққиёт банки — «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғида кўшилган қийматни яратиш занжирини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида
- ◆ Халқаро тараққиёт ассоциацияси (IDA) — «Ўзбекистон Республикасида қорвачилик соҳасини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида
- ◆ Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки — «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик секторини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида

95 144 60 00

www.turonbank.uz
Хизматлар лицензияланган.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (ҚХМЭИ)

куйидаги ихтисосликлар бўйича 2019 йил учун таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади:

- 05.07.01 — Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш.
- 05.07.02 — Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш.
- 05.05.07 — Қишлоқ хўжалигида электр технологиялари ва электр ускуналари.

Керакли хужжатлар:

- ариза;
- маълумотнома (3.5 шакл бўйича ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (таянч докторантурага — ишлаган талабгорлар учун, мустақил изланувчиликка — камида 2 йиллик илмий-педагогик ёки муайян илмий ютуқларга эга) бўлиши керак;
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки магистр даражаси эсқори этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
- етакчи олимлардан бирининг уни илмий раҳбар сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- иш жойидан тавсифнома;
- тиббий маълумотнома (086-шакл);
- 4х6 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат;
- паспорт ва ҳарбий гувоҳнома нусхалари (асли шахсан кўрсатилади).

Хужжатлар 2018 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор кўрғони, Самарқанд кўчаси, 41-уй, ҚХМЭИ, Илмий кадрларни тайёрлаш ва мутахассислар маалакасини ошириш шуъбаси.

Телефонлар: (0-370) 606-13-86, 606-37-04.

«Ўзтрансгаз» АЖнинг «ФАРФОНАГАЗ» филиали

ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида Фарғона вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиали тасарруфидаги объектларда меҳнат шароитининг умумий тавсифи, шовқин, газланганлик, чанглик, ёруғлик, ҳавонинг нисбий намлиги, ҳаво оқимининг тезлиги ва ҳаво босими каби инсон организмга салбий таъсир қилувчи зарарли омилларнинг ҳақиқий концентрацияси ҳамда жароҳатланишга хавф туғдирувчи дастгоҳларни аниқлаш ҳамда санитар-техник паспорт тайёрлаш ишлари бўйича махсус лицензия ва гувоҳномага эга бўлган ташкилотлардан тижорат тақлифлари қабул қилади.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Маргиний кўчаси, 76-уй.
Телефон: (+99873) 229-04-36.

«Фарғонагаз» филиали маъмурияти.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюджет Г — 945. 76 901 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонлар (0-371) 232-11-15.

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

олий ўқув юртидан кейинги таълим (таянч докторантура (PhD), докторантура (DSc) ва мустақил изланувчилик)га куйидаги ихтисосликлар бўйича 2019 йил учун қабул эълон қилади:

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА (PhD) БЎЙИЧА КВОТА СОНИ*

- 08.00.01 — Иқтисодий назарияси — 1 ўрин.
- 08.00.06 — Эконометрика ва статистика — 1 ўрин.
- 08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит — 3 ўрин.
- 08.00.08 — Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит — 2 ўрин.

* Ўқиш ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилиши белгиланган.

ДОКТОРАНТУРА (DSc) БЎЙИЧА КВОТА СОНИ

- 08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит — 1 ўрин.

МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИК (PhD, DSc)

- 08.00.01 — Иқтисодий назарияси.
- 08.00.06 — Эконометрика ва статистика.
- 08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит.
- 08.00.08 — Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит.

Талабгорлар томонидан тақдим этиладиган хужжатлар:

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
- олий маълумот ёки фан номзоди тўғрисидаги диплом нусхаси;
- докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза;
- илмий ишлар рўйхати: таянч докторантура (PhD)га (камида 1 мақола ва 2 та тезис), докторантура (DSc)га 2 та мақола, 4 та тезис;
- илмий консультантнинг ёзма розилиги;
- иш жойидан тавсифнома (мустақил изланувчиликка талабгорлар учун);
- паспорт нусхаси;
- 3х4 см. ҳажмда 6 та фотосурат.

Хужжатлар 2018 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темури шоҳқўчаси, 60-«А» уй, Тошкент молия институти, Илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими.

Телефон: (+99871) 235-41-83.

E-mail: bitp@tfi.uz

Эълон бўйича маълумотлар билан www.tfi.uz сайти орқали ҳам танишиш мумкин.

«Respublika mulk markazi» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган оқиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Ал-Хоразмий филиалига қарашли, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор даҳаси-30, 16-«А» уйда сақланаётган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/682 JFA бўлган, «Nexia» русумли автотранспорт воситаси тақдоран қўйилмоқда.

• Бошланғич баҳоси — 47 629 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 5 октябр кунин соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2018 йил 3 октябр кунин соат 18.00.

Аукцион савдоси қолиби деб топилган шахсга 10 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдодо қатнашиш учун ариза, закатат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов хужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Давр банк» ХАТБ Олматор филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850.

Гувоҳнома № 001805.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:

Тошкент шаҳри, Олматор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.



«ELXOLDING»



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИК КУНИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН БИЗДА ЧЕГИРМА**

**ЮК ТАШУВЧИ
МОТОЦИКЛЛАР**

15 500 000
сўм



МАХСУЛОТ
СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Чегирманинг амал қилиш муддати —
2018 йил 30 сентябргача.

Тел.: (+99893) 330-50-00, (+99871) 239-88-58.

Манзил: Самарқанд ш., Гагарин к., 36-уй. Мўлжал — «КИНАП» заводи.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

Беларусь Республикаси



**Расмий дистрибьютор
Тошкентдаги омбордан
тақлиф этади.**

Тел.: (+998 93) 555-00-95,
(+998 93) 555-12-88,
(0-371) 291-68-94.

www.maz.by

E-mail: maztashkent@mail.ru

Махсулот сертифициланган.



«ХАЛҚ СЎЗИ»
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
232-10-63.
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор
Ғофуржон Раҳимович РАҲИМОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия
ишхор этади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган кўзбўйлаб тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиб берилиши учун оқушни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Набатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.

Набатчи — О. Файзиев.

Мусаххих — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.12. Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6